



# ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 28 июл, жума № 107 (939)

БЕШАҒБА, ЧОРШАҒБА, ЖУМА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, ўз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади.

Ўзбекистон фуқароларининг ватанпарварлиги — бу катта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиغان йўлчи юлдуз, ишончли компасдир.

Ислон КАРИМОВ.

1991 2000


ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

## САНОАТИМИЗ КЎРКИ

Муборак газни қайта ишлаш заводи мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Буни яхши ҳис қилган корхона ишчи-хизматчилари барча кўрсаткичлар бўйича белгиланган режаларнинг зиёди билан бажарилишига эришмоқдалар. Уларнинг унумли ишлашлари учун эса корхонада барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: 1. Корхонанинг умумий кўриниши. 2. Илғор оператор Ҳошимжон Хайруллаев.

Д. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



### Ватан ишқи

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуғига зиёратга келганимда кўш эндигина уфқдан бош кўтарган эди. Кўшк тагига ўрнатилган ўриндиклардан бирида ўтирган мўйсафид тиловат қилаётган экан. Ўтиб кетолмадим.

Отаҳон фотиҳага кўл очди. Кейин менга юзлаб деди: — Оллоҳга шуқур. Не-не аждоқларимиз шаҳид бўлиб кетганди. Қабри қаердалигини билмасдик. Мана бугун шаҳид отамни топдим. Фарзанд бўлиб руҳи покка икки қалима Куръон бағишладим. Бу кунларнинг қадрига етиш керак.

Отаҳоннинг гапларидан кейин ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам ўн йиллар олдин қандай яшардигу, ҳозир дунёга қандай кўз билан қараямиз. Истиқлолнинг илк кунларида хорижлик ватандошимиз ойнаи жаҳон орқали берган интервьюсида шундай деган эди:

— Биз ҳар қанча бойбадавлат, тўқ яшаганимиз билан Ватанимиз йўқ эди. Шуқур, бугун Ўзбекистон деган мустақил, озоод мамлакат яна харитада қайд этилди. Биз энди кўрагимизни ғоз тутамиз. Чунки Ватанимиз бор.

Ватан! Мана унинг мустақиллиги қанчалар азиз, мўтабар. Президентимиз Оқсарой қароргоҳида мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йилгилик таъкидлаганидек, мустақиллик Ватанимизга нималар берди, халқимиз учун қандай янги имкониятлар очди — уларнинг ҳаммаси ўтган 9 йилда намоён бўлиб турибди.

Авалло, биз қадр топдик. Инсон қадри деган тушунчани қозоғга ўралган қандек сўзларда эмас, амалда кўрдик.

Ҳозир кўнларда гувоҳ бўлганим бир воқеани айтиш: Тошкентнинг Эски Жува вақолида маъмур нон бозори бўларди. Лаълидек бўрсилдоқ нонларни кўриб кўзларингиз қувнардик. Лекин нововиллар тинчгина савдосини қилолмасдик. Сабоби, бунга йўл қўйишмас, чунки бу иш олиб-сотарлик даражасида баҳоланарди. Худди шундай гапни тўнчилар, бешкичилар, дурадгорлар, тандирчилар, қўйинчи, ҳар бир хунарманд ҳақида айтсак бўларди. Бугун Эски Жува бозорига борсангиз, тамоман бошқача манзарани кўрасиз. Қўли гул хунармандлар ўзлари яратган ноёб, ноқадри маҳсулотларни бемалол сотишмоқда. Энг диққатга сазовори, Республика «Хунарманд» уюшмаси тузилди. Нафрат Тошкент, Балки Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Термиз сингари шаҳарларда бекилиб қолган булоқларнинг кўзлари очилди. Риштоннинг кулполлари ясаган лағанда ош еб, чертса жаранги ҳавони титратган жонан пиёлаларда чой ичишнигиз заводи ҳар биримизга ошно бўлди.

— Ўзим ёғоч устасиман, - деб ҳижоа қилади ангреник уста Абдуқодир. - Лекин шу пайтгача бирим

икки бўлмаганим. Ҳозир ўзимнинг хусусий дўконим бор. Ўнлаб шогирдларга устозман. Вилоятимиздаги хунармандлар танловида қатнашиб, қаторасига 2-3 йил мукофотли ўринни эгалладим.

Бу гапимизнинг бир томони, холос.

Дехқоннинг эзгу орзуси ўз ерига эғалик қилиш. Экиб-тикиб, эл озига неъмат ту-

— Ерни аввал сўғораман, бўлмаса кесак қучади. Бугдой яхши бўлмайди.

Раис ўзингиз биласиз, дегандек, елкасини қисди...

Мақсуда Фозилова куйиб-пишиб қишлоқ болалари ҳақида гапирди. Насиб этса ўз ҳисобидан уч гектар ерга спорт мажмуи куражанини, у ерда футбол, волейбол, кураш, теннис каби секциялар бўлиши ҳақида сўзлади.

— Курса бўлади, - сўхбатта аралашдим. - Лекин мураббийлар бу ерга келиб ишлармикин?

## ЖЎШҚИН БУЛОҚЛАР

тиш ва айни пайтда ўзининг насибасини ҳам териб ейиш. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок Президентимиз дехқонларга катта меҳрибонлик кўрсатиб, жуда кўп имкониятлар яратиб берди-лар.

Қизғалдоқ қишлоғимизда Маҳаммадхон отани ҳамма хурмат қиларди. Ҳамиша қўли қадок, захматқаш дехқон сифатида ерга меҳр бериб, тер тўқарди. «Ўғлим ҳам менга ўхшаб кетмон чопадими», деб ташвишланарди. Ўғли Қўнқоржон кетмон чопмади. Лекин ернинг жонини киргизадиган дехқон, қилни қирқ еридан тадбиркор бўлиб етибди. Унинг иссиқхоналарида йил бўйи помидор дейсизми ёки бодринг, лимон, ошқўлар дейсизми, ҳаммаси етиштирилади. Маҳаллада ундан иш ўрганаётганларнинг кети узилмади. Унинг иссиқхонасидан чиққан аёло навли маҳсулотларни бугун ҳатто ҳамдўстлик мамлакатларидаги бозорларда ҳам ажратиб олиш қийин эмас.

Яна бир қишлоқдошим Анвар Аҳмедов тиш доктори эди. Кўп йилдан бери хусусий лаборатория очибши орзу қиларди. Ҳозир Қизғалдоқ гузарига лабораторияси бор. Одамларнинг ҳожатини чиқариб, дуосини олмоқда. Яқинда лицензиясини беш йил муддатга қўздириб келди. Шахсий шифокорликнинг афзал томони нималар, деган саволимга Анвар ака:

— Аввало, одамларга хизмат кўрсатувчи тиббий шохобча қўлаяди. Кейин ҳар бир шифокор ўз устида тинимсиз ишлайди. Даволашнинг янги-янги усулларини қидириб топади. Бир сўз билан айтганда, соғлом рақобат қучади. Демак, хизмат кўрсатиш ҳам ривожланади, - деб жавоб берди.

Зомин туманига борганимда, «Ғолиб» ширкатлар уюшмасида бўлишга тўғри келди. Уюшма раиси Эгамназар Жуманазаров бугдойи ўрилган катта пайкалга келганда пешонасини сал тиришди.

— Фозилова қани, нега ер ҳайдалмаган?

— Мақсуда опанинг ўз режаси бормиш.

Мақсуда Фозиловани қидириб ўтирмадик. Ўзи дарров етиб келди. Биз билан сўрашиб, изох берди.

— Мураббий бор, ўғлим жисмоний тарбия институтини тутатипти. Ҳаммасига ўзи бош бўлади. Ахир, қишлоғимиздан ҳам чемпион чиксин-да. Қаеримиз кам бошқалардан.

Оилавий пудрат, хусусийлаштириш, ўрта ва кичик бизнес билан шугулланиш ҳақида соатлаб гапириб мумкин. Мана, мустақиллик халқимизга оддий одамларга нима берди, деган саволга жавоб. Қўнқор Маҳаматов, Мақсуда Фозилова ўхшаган фермерлар, тадбиркорлар юртимизда жуда кўп. Улар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилиб, салмоқли ютуқларга эришмоқдалар. Республика дехқон-фермерлар уюшмаси эса уларга бош-қош.

«КЕЙС», «МАГНУМ»лар уларнинг мушкулани осон қилмоқда. Касаба уюшмалари улар манфаатини ҳимоялашда доимо кўмакка шай. Бугунги фермер, тадбиркор, хунармандга имкониятлар жуда катта. Қуни кена бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йилгилик Президентимиз таъкидлаганидек, «Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ислохотларнинг ўта муҳим соҳасида қўлга киритилган бу натижалар авваллашган тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни эркинлаштириш натижаси, десак хато бўлмайди...»

... Зиёратгоҳга келган отахон тўғри айтди. Мустақиллик энг аввало халқимизнинг неча йиллар кўмилиб ётган истезод ва яратувчилик булоғи қўларини очиб юборди. Ҳар битта ширкат уюшмасида, акционерлик жамиятида, тадбиркорликда, қўшма корхоналарда буни яққол кўриб турибмиз.

Ўз оламшумул ютуқлари, муаммолари билан 9 йил ортда қолмоқда. Олдимизда эса янада жўшқинлик, фидоилик, ташаббускорлик кутаётган эртанги кунимиз. Эртанги одамларимиз бугунгидан кўра залварлироқ бўлади. Демак, кўзи очилган булоқлар — тадбиркорлару фермерлар, хунармандларнинг имконият уфқи янада кенгайди.

Темур УБАЙДУЛЛО.

### ХУШҲАБАРЛАР

#### ХАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Оққўрғонда мустақиллик байрами арафасида замонавий қурилиш иншоотларини ишга тушириш айнага айланиб қолган.

Яқинда туман марказида янги «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. Ниқоҳдан ўтаётган келин-куёвларга аталган банкет зали, ёшлар кафеси барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Шунингдек, ДАН биноси, шохбекат, тиш даволаш ва қўйиш поликлиникаси, марказий шифохонада «Тез тиббий ёрдам» станциялари барпо этилиб, аҳолига хизмат қилишни бошлайдик.

Шуни айтиш керакки, бу қурилишлар тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар ишлари билан амалга оширилмоқда.

Н.ХАЙДАРОВА.

#### ЎЗБЕК УСТАЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Германиянинг Ганновер шаҳрида ташкил этилган «ЭКСПО-2000» Умумжаҳон кўргазмаси шу кунларда хар қачонгидан ҳам гавжум. Қуйи Саксония федерал вилояти пойтахтида «Инсон.ТабиаТ.Технология» шиори остида ўтказилаётган ушбу нуфузли кўргазмада жаҳоннинг 200 дан зиёд давлати ўз маҳсулотини билан қатнашмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг илғор корхоналари маҳсулотлари, тарихимизга оид қадимий ашёларни намойиш этиш учун мамлакатимизга ажратилган махсус бўлим ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Бугунги кунда кўргазмада Ўзбекистон аёллари орасидаги ягона чининосоз, академик-рассом Шаҳноза Мўминова, лой ўйинчоқлари устаси Кубаро Бобоева, бухоролик қўли гул зардуз Шоира Собирова, шарқ рангтаъсир устаси Шамсиддин Рихсиев, нақшош Шухрат Зойировдан иборат навобатдаги иқидий гуруҳ ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Ўзбек хунармандларининг қалб қўри, олтин қўларини билан яратилган мўъжаз идишлар, сўзанаю дўппилар, китоб жилдлари, турли қўтичалар хорижликлар томонидан баҳонидил харид қилинмоқда.

## ФАХРИМ, ИЙМОНИМСАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

(Мустақиллик мадҳияси)

Эй она диёрим, нурафшон ўлкам, Мустақил ва озоод, фаровон ўлкам. Истиқболи ойдин, чароғон ўлкам, Бойликка қонимсан, Ўзбекистоним, Обод бўстониМСАН, Ўзбекистоним!

Мадҳинг қуйламоққа жазм айладим, Ифтихор туйғусин назм айладим. Буюклик шаънингга таъзим айладим, Томирда қонимсан, Ўзбекистоним, Фахрим, иймониМСАН, Ўзбекистоним!

Сен борсан, фаровон ҳаёт боқийдир, Соғлом ва баркамол авлод боқийдир. Шухратинг гуллари азиз боқийдир, Шарафим-шонимсан, Ўзбекистоним, Вужудим, жонимсан, Ўзбекистоним!

То ҳаёт бор экан, ганим ҳам бўлур, Ёвларнинг оқибат боши ҳам бўлур. Адолат, ҳақиқат элда жам бўлур, Пулат қалқонимсан, Ўзбекистоним, Жаннатмақонимсан, Ўзбекистоним!

Тарихинг неча минг йилликларга тенг, Қалбинг, саховатинг уммон каби кенг. Жаҳон чеҳрасида жамолингдир менг, Буюк Туронимсан, Ўзбекистоним, Нурли жаҳонимсан, Ўзбекистоним!

Мингларга мингашур мустақил ёшинг, Абадул порлағай бахтинг - куёшинг, Чунки раҳнамодир азиз Юртбошинг, Тахти равонимсан, Ўзбекистоним, Бахти арқонимсан, Ўзбекистоним!

Соип МУҲАММАДИЕВ, меҳнат фахрийси.

### Мустақиллик — менинг тақдиримда

## БУ ИМКОН ҲАММАМИЗНИКИ

Мустақиллик халқимизнинг азалий орзу-си эди. Унинг рўёбга чиққанига тўққиз йил тўлапти. Мустақил даврининг кўп азоб-укубатларини чекканман. Ўша йиллари Кўшқўпир туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалигида пахтачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлардим, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар авж олган йиллар эди. Айрим раҳбарлар мениям бу ишга тортмоқчи бўлдилар. Мен уларнинг буйруғига бўйсунмадим, ўз виждонимга қарши бормадим.

Даладан имкони борича мўл ҳосил олишга ҳаракат қилдим. Лекин улар тирноқ тағидан қир қидириб, мени йўқотиш пайига тушишди. Вазифамдан олиб, ишимни судга топширишди. Мен ўзимнинг ҳақлигимни исбот қилмоқчи бўлиб, турли ташкилотларга гоҳ ёзма, гоҳ озгаки мурожаат қила бошладим. Ҳақиқатни топиш осон бўлмади. Олти йил давомида собиқ империянинг деярли барча йирик маҳкамаларига мурожаат қилиб чиқдим. Ниҳоят ҳақ эканлигимни, айбим йўқлигини исботладим. Олдинги ишимга — бригада бошлиғи лавозимига тикландим. Шундан кейин ҳам анча йиллар меҳнат қилдим. Режалар бажариладуро, даромад ҳаминқадар эди. Бригадамиз

Олинадиган даромадларим ҳисобига сутни қайта ишлайдиган кичик завод қуриш режам бор. Бу ишни амалга оширсан, камида яна 40 ишчи ўрни очган бўламан. Бундан ташқари, чорваси бор ҳамқишлоқларим ўз маҳсулотларини сотиш учун олисга катнашдан қўтиладилар. Халқимиз бўл бўлса, давлатимиз қудратли бўлади.

Президентимизга минг раҳмат! Тадбиркорларни бадавлат қилиш учун тинмай гамхўрлик қиялпти. Тўғри, бу йил курғоқчил келиб, экинлар, боғ-роғлар ривож кўнгилдагидек бўлма-япти. Шунга қарамадан, бор имкониятлардан фойдаланиб, рўй бериши мумкин бўлган айрим нохушликларнинг олдини олишга ҳаракат қилаяпмиз. Боғимиз ноз-неъматлари халқимиз дастурхонини безасин. Мустақиллик шарофати билан берилган имкон ҳаммамизга абадий бўлсин.

Куронбой ҲАЙИТБОВ, фермер, Кўшқўпир туманидаги Кенагас қишлоғи.

### КАДИМИЙ КИТОБЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Халқимиз маънавий хазинаси ниҳоятда бой. Асрлар мобайнида доғишманд аждоқларимиз томонидан эъзозлаб келинган бу хазинанинг ҳали кашф этилмаган томонлари кўп.

Самарқанд вилояти Челақ туманида жойлашган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида ўзбек халқи кўлөзма меросининг миллий маркази очилди. Ушбу марказ халқ қўлида сақланиб келаятган қадимий кўлөзмаларни жамлаш, ўрганиш ҳамда тарғиб этиш билан шугулланади.

Марказ замонавий алоқа воситалари ва компьютерлар билан жиҳозланган. Айни пайтда аҳолидан мингга яқин қадимий ноёб кўлөзмалар йиғиб олинди.

1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир вилоятда галла уруғчилиги цехларини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган эди. Ҳамма ерда бўлгани каби Қашқадарё вилоятда ҳам ушбу муҳим ҳужжат бандларини бажариш бўйича бир мушбо ишлар қилинди. Хусусан, Қарши шаҳрида эски омукта ем ишлаб чиқариш бўлими қайта таъмирланиб, галла уруғини тайёрлайдиган цех ишга туширишга тахт қилиб қўйилди. Цехни таъмирлашда «Қашқадарёдон-маҳсулотлари» акционерлик уюшмасига қарашли «Бунёдкор» жамоа корхонаси қурувчилари самарали меҳ-

## ҚАШҚАДАРЁДА ГЕРМАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир вилоятда галла уруғчилиги цехларини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори эълон қилинган эди. Ҳамма ерда бўлгани каби Қашқадарё вилоятда ҳам ушбу муҳим ҳужжат бандларини бажариш бўйича бир мушбо ишлар қилинди. Хусусан, Қарши шаҳрида эски омукта ем ишлаб чиқариш бўлими қайта таъмирланиб, галла уруғини тайёрлайдиган цех ишга туширишга тахт қилиб қўйилди. Цехни таъмирлашда «Қашқадарёдон-маҳсулотлари» акционерлик уюшмасига қарашли «Бунёдкор» жамоа корхонаси қурувчилари самарали меҳ-

Фулон ЮСУПОВ.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисидан кейинги ўйлар

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жумладан кишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам кенг тўхталиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти, уларни янада ривожлантиришга нималар тўққинлик қилаётгани хусусида батафсил тўхтади.

битим имзоладилар. Унинг бажарилишини туман кўмитаси назоратга олган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, вилоятдаги 2,5 мингдан зиёд деҳқон ва фер-

тақдирланди. Шу билан бир қаторда вилоят кўмитаси томонидан сихатгоҳларга йўланмалар ҳам берилмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида 50 дан ортиқ фермер

даги «Юртим Ўзбекистон» ва Ромитондаги «Бахшиллообод» фермер хўжаликлари 10 гектар ерга дон экиб 75 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

расидаги чора-тадбирлар тизимида кишлоққа давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дея таъкидлаган эдилар Юр-бошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 21 июлдаги мажлисида. - Бу ёрдам кўпгина йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Яна шуни айтиш лозим, вилоятдаги барча деҳқон ва фермер хўжаликлари, қасаба уюшма кўмиталари Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ва бажариш борасида кўпгина ижобий ишларни қилмоқдалар. Ишимизда муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Деҳқон ва фермерлар орасида деҳқончилик маданиятини юксалтириш, мўл ва арзон ҳосил етиштириш, ерга, ўз мулкига эгалик ҳисси, олган маҳсулотларига яраша ҳақ тўлаш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда етарли тажриба ва билимга эга эмас кишилар ҳам топилди. Бундай камчилик-нуқсонларни бартараф этиш учун қасаба уюшмалари янада масъулият билан ишлашга бел боғлашган.

Юсуф ҚУРБОНОВ, Агротехнолог мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Бухоро вилоят кўмитаси раиси.

ЭЛНИ БОЙ ҚИЛАЁТГАН ФИДОЙИЛАР

мер хўжаликлари аъзолари яхши ишлаб ва дам олишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Қатор фермерлар хўжалиқларнинг фойдаланилмасдан ётган дала-шийонларни сотиб олдилар, кўпчилиги янгисини қурмоқда.

Вилоят кўмитаси туман кўмиталари вакиллари билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти иштирокида ижтимоий-иқтисодий битимлар тузиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича семинарлар ўтказилди.

Фермер хўжалиқларида аъзоларга иш ҳақлари ўз вақтида берилиши ижобий ҳал қилинмоқда. Фермерлар ўртасида «Илгор галлакор», «Илгор чорвадор», «Илгор пахтакор» кўрик-танловлари ўтказилиб, голиблар қимматбахо совғалар билан

сихатгоҳларда саломатлигини тиклаб келди.

Айни шу кунларда Бухоронинг 450 минг тонналик пахта хирмонида вилоят фермерлари ўзларининг 30 минг тонналик оқ олтини билан ҳисса кўшиш ниятида, гўзаларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Ўнлаб фермерлар далаларида пахтадан баракали хирмон кўтариш учун замин яратилмоқда.

Вилоят фермерлари галлачилиқда ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар. Вобқент туманидаги «Азим-бобо» фермер хўжалиғида 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил олинди. Пешкудаги «Қобил-бобо» хўжалиғи деҳқонлари 5 гектардан 40,5 тонна дон йиғиштириб олиб, ҳосилдорлики 81 центнерга етказдилар. Жондор тумани-

Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга Ёғиздун туманидан «Файз» хусусий хўжалиғида ибратли ишлар амалга оширилётганини таъкидлаш жоиз. Унинг 36 гектар экин майдони бўлиб, беда, бугдой, маккажўхори ва пахта етиштирилмоқда. Хўжалиқда 215 бош қора-мол, шундан 80 бош сизир, 450 бош қўй боқилаётир. 1999 йилда хўжалик аъзолари давлатга 420 тонна сут, 15 тонна гўшт, 110 то қоракўл тери, минг килограммдан зиёд жун сотиб, 32 миллион сўм даромад олдилар.

Шу ўринда айтиш жоиз, эришилаётган муваффақиятлар давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам ва гамхўрлик натижасидир. — Кишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ қилиш бо-

ГОЛИБЛАРНИ СОВГАЛАР КУТМОҚДА

Ҳозирги кунларда Тошкент-Андижон-Ўш автомагистралининг 339-360 километрларида мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрамига бағишланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Унда Бухоро, Сирдарё, Навоий, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги йўлсозлик бошқармалари фаол қатнашишмоқда. Улар қисқа муддат ичида ўзларига ажратилган йўлларни тез ва сифатли таъмирлайдилар, йўл белгиларини тартиб билан ўрнатдилар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бордилар.

Андижон вилояти ҳокимлиги ва «Андижонавтоўл» бирлашмаси маъмурияти ташаббуси билан уюштирилган ушбу кўрик-танловнинг асосий мақсоди йўлларимизни жаҳон андозалари талаблари даражасида қуриш, ишчи ва мухтаassisларнинг бу борадаги маҳоратларини оширишдир.

Кўрик-танлов голибларини қимматбахо эсдалик совғалари кутмоқда.

Гафур БЕРДИЕВ, «Андижонавтоўл» бирлашмаси қасаба уюшма кўмитаси раиси.

Қонун барчага баробар

ФЕРМЕР НЕГА ЧУВ ТУШДИ?

Яқинда вилоят прокуратураси Жиззах шаҳридаги 7-ун жамоа қорхонаси манфаатини кўзлаб, Жиззах туманидаги «Сарбон», «Қурисой», «Ҳосил», «Баҳодир», «Қурлибой ота» фермер хўжалиқларини хўжалик судига берди.

Маълум бўлишича, фермер хўжалиқлари тайёрловчи билан аввалдан ўзаро шартнома тузиб, мажбуриятларни бажаришмаган.

Ш.Рашидов номли ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги Олим Эргашев бошлиқ «Сарбон» фермер хўжалиғи ўтган йили мазкур қорхона билан шартнома тузиб, етиштиражак галла маҳсулотига 118616 сўм миқдорига бўнақ пули олган. Лекин хўжалик шартнома асосида етказиб бериши лозим бўлган маҳсулотнинг 13200 килограммини асосиз равишда топширишдан бош тортиди. Келишилган шартноманинг 3,1 бандига мувофиқ етказиб берилмаган маҳсулотнинг 25 фозни миқдорига жарима тўланиши белгиланган.

Ушбу иш бўйича даъво қаноатлантирилиб, «Сарбон» фермер хўжалиғи ҳисобидан қорхона фойдасига 155.985 сўм ундириладиган бўлди. Шунингдек, бошқа харажатлар ҳам фермер хўжалиғи ҳисобидан бўлди.

Ўзаро шартнома бандларини бажармагани учун Н.Норбеков бошлиқ «Қурисой» фермер хўжалиғидан 31798 сўм, И.Зарипов бошлиқ «Ҳосил» фермер хўжалиғидан 439894 сўм, Б.Ҳамроқулов бошлиқ «Баҳодир» фермер хўжалиғидан 246795 сўм, О.Юсупов бошлиқ «Қурлибой ота» фермер хўжалиғидан 188258 сўм маблағ ҳам қорхона фойдасига ундирилди.

Хўжалик суди аралашувидан сўнг, боқибегам хўжалик раҳбарлари тайёрловчи хазинасига қонуний пулни қуртдек санаб беришди.

Ҳа, мустақил Ўзбекистонда қонун устувор. Афсуски, ҳали-ҳануз айримлар оддий ҳақиқатни тушуниб етишмаяпти. Бу эса уларнинг ўзларига қимматга тушмоқда.

Абдулла МАМАТМУСАЕВ, вилоят хўжалик судининг судьяси.

САБОҒИНГИЗ ШУМИ, МУАЛЛИМ?

Амални мўмай даромад манбаи, деб ўйлайдиганлар ҳам топилиб тураркан. Булунғурлик Абдурахмон Нарзиев ва Эркин Мирзақулов ана шундайлардан чиқиб қолди. Вазифаси, бурчи болаларни тарбиялаш, ҳалолликка бошлаш бўлган бу шахсларнинг ўзлари жиноятга қўл уришди.

Тумандаги 10-ўрта мактаб директори лавозимини эгаллагач, Э.Мирзақулов «Ўзи хон, қўлан-қами майдон» бўлди-ю, мансабини суиистеъмол қила бошлади. Бошқа қилмишларини унинг виждонига ҳавола қилайлик-да, сохтакорлиғи ҳақида сўз юртайлик.

Кунларнинг бирида таниши келиб, ундан 9-синфни битирганлик ҳақида Сирожиддин Солиев номига шаҳодатнома ёзиб беришни сўрайди. Қуюқ илтимослардан сўнг Э.Мирзақулов рози бўлади. Ниятни бир ўзи амалга ошириши қийин. Шунинг учун мактабнинг собиқ директори Абдурахмон Нарзиев билан хуфёна тил бириктиради. Шундай қилиб, мазкур мактаб остонасидан бирор марта хатламаган С.Солиев номига ҳужжат ёзишга киришади.

Жумладан, мактаб педагогика кенгашининг сохта қарори ёзилади, имзоланади. Буларни Э.Мирзақулов тайёрлайди. Ҳуқуқи Х.Абдурахмонов номига 1997 йилда берилиши керак бўлган шаҳодатнома гайриқонуний равишда С.Солиев номига ёзилади. Барча сохта ҳужжатларга мактабнинг ўша вақтдаги директори А.Нарзиев имзо чекади. Лекин кингир ишнинг қийиғи тез орада фош бўлди. Нияти қора кимсаларнинг муаллимлик шаънига доғ тушириб, юзлари шувут бўлгани қолди, холос.

Х.НАСИМОВА, Тойлоқ туман суди раиси.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ВАЪДА БИЛАН КОРИН ТҮЙМАЙДИ»

Газетанинг шу йил 20 май сониди юқоридаги сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Урганч туманидаги «Лочин» фирмаси ишчилари вақтида маошларини ололмаётгани, натижада бундай ҳолат ишнинг боришига салбий таъсир этаётгани баён қилинган эди.

Мақола ўрганиб чиқилиб, аниқландики Урганч туманидаги «Умид» иқтисодий ноҳор қорхоналар қаторига кириб, банкрот деб эътироф этилган. Шундан кейин бу қорхона хусусий мулк қилиб сотилиб, унинг базасида Урганч туман ҳокимининг 1999 йил 22 октябрдаги 669-сонли қарорига асосан «Лочин» ишлаб чиқариш фирмаси ташкил қилинган ва гишт заводи унинг тасарруфига ўтган.

Айни пайтга келиб, «Лочин» ишлаб чиқариш фирмаси гишт заводи-нинг ҳамма қарзларини, шу жумладан ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан бўлган қарзларини тўлов ведомости орқали тўлиқ ҳисоб-китоб қилган.

Ҳозирги кунда фирма маъмурияти томонидан ишчи-хизматчиларга иш ҳақлари ҳар ўн кунда аванс тариқасида бериб келинмапти. Жамоа аъзоларининг барчаси ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олиб турибдилар.

Ш.РАҲМОНОВ, Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси.



Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстиль» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти йилига 2000 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир жамиятда ўч сменада 1600 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

Уларнинг унумли ишлашлари ва ишдан бўш пайтларида кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар

яратилган. Тиббий хизмат пункти хизматга шай. Дам олиш хоналари яхши жиҳозланган.

140 ўринли болалар боғчаси жажжиларни ўз бағрига олган. Уларнинг баркамол ўсиб улғайишлари учун эътибор кучайтириляпти. Озиқ-овқатлар 50 фозга арзонлаштирилган. Ишчи-хизматчилар саломатликларини тиклашлари

учун сихатгоҳларга йўланмалар берилмоқда. Шунинг учун жамият ишида сифат ва самарадорликка эришилмоқда.

Суратларда: моҳир ишчи Тоҳиржон Алланазаров. Ўз касбининг устаси Гулчеҳра Фармонова.

Д.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



МАҲАЛЛА ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Онаник ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига ҳеч бир даврда ҳозиргидек катта аҳамият берилмаганди. Бу маҳалла кўмиталари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шайхонтоҳур туманидаги «Ўқчи» маҳалла кўмитаси раиси Озодбек Иноятов бу ҳақда шундай дейди:

— Савобли ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, — деб Президентимиз кўп бора таъкидлайдилар. Бу эса бизнинг асосий шiorимизга айланган. Маҳалла-миздаги эҳтиёжманд оиаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шу йилнинг ўзида ҳукуматимиз томонидан 400 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, савобли ишлар маҳалла-миздаги тадбиркорлар-

оқсоқоллар ўртасида ҳафтадан ҳар чоршанбаси ўзаро мулоқотлар кунини ўтказиш анъанасига айланган. Шунингдек, «Ҳеч кимга бермайман сени, Ўзбекистон!» «Маҳаллам — уйим менинг» мавзусидаги тадбирлар ҳам ўтказиб турилибди.

Энг муҳими, ана шу тадбирлар ижобий самара берапти. Тўйлар меъёрида ўтапти. Ёш оиалар ўртасида қўйди-чиқди камайди.

Бозор шароити талабларидан келиб чиқиб, маҳалла аҳлининг ўзини-ўзи таъминлаш чоралари ҳам кўриляпти. Чунончи, новвойихона фойдаланишга топширилиш ара-

фасида. Хомчўт қилиб кўриласа, ундан тушадиган бир ойлик соф даромад еттига кам таъминланган оила иқтисодини мустаҳкамлашга етаркан. Шу билан бирга тиқиш-бичиш цехини ҳам Мустақиллик байрамига ишга тушириш нияти бор. Бу билан ўнлаб аёллар иш билан таъминланади.

Айни пайтда ёшлар иккинчи мутахассисликни эгаллашларига, касб-ҳунарни бўлишларига ҳам эътибор қаратилган. Ҳозир улардан 20 нафари коллежларда таълим олишяпти.

Раъно МАҲКАМОВА.

Холис фикр, таклиф — мулоҳаза

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг биринчи қадрлидан қонуннинг энг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиши учун тараққийнинг бозор иқтисодиётини танлади ва уни эркинлаштириш йўлида қўллаб ҳужжатлар қабул қилинди. Мавжуд тизимларнинг қарийб барчаси ва уларнинг кўп ташкилотлари хўжалик ҳисобига ўтказилди. Энг асосийси, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятида давлат назорати бекор қилинди. Уларга ўз иқтисодини эркин ривожлантириш ҳуқуқи берилди, шу билан бирга иқтисодий ва молиявий масъулияти оширилди.

1992 йилнинг 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унга мувофиқ ҳамда Президент Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларида бюджетдан ташқари барча ташкилот ва қорхоналар йилига бир марта ўзаро тузилган шартномага асосан аудиторлик текширувидан ўтишлари шарт қилиб қўйилди. Айниқса, бу Республика Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларини текширишни ташкил қилиш тартибига солиш тўғрисида»ги Фармони 1-

банди ва яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасида ўз аксини топди. Юқоридаги Қонун, бошқа қонуний ҳужжатлар ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан қорхона ва ташкилотларнинг қолаверса бутун мамлакатнинг иқтисодини яхшилаш, пировардида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгандир.

дан ким ва қандай наф қўради? Амалда бўлган 13-моддани иборат Қонуннинг янги тахрири, унинг 29-моддасига кенгайтирилиши ва мазмунан тўндирилишига нималар сарбаб бўлди?

Шўролар ҳокимияти даврида мамлакатдаги мавжуд қорхоналар албатта маълум бир тизимга қарашли эди ва унда назорат-тафтиш хизмати муни тахассисларнинг асосий вазифаси раҳбариятнинг буйруғи билан қуйи ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириб, унда содир бўлган ва бўлаётган хато-камчиликларни муҳокама учун юқори ташкилотларга, тўғридан-тўғри суриштирув идораларига юборишдан иборат эди.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига кўра аудиторлар (аудиторлик фирмалари) улардан кескин фарқ қилади, яъни ўз хизматини қорхона раҳбари билан эркин (ихтиёр) тузилган шартномага асосан амалга оширади, ми-

жозининг молия-хўжалик фаолиятида аниқланган хато-камчиликлар ҳатто қонунбузарликни бошқа идорага тақдим этмайди, аксинча уларни текшириш жараёнида иложи борича бартараф қилади, имкони йўқларини эса, чора кўриш учун маъмурият иштироғига ҳавола этади. Қисқаси, аудиторлик хизмати хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодини тузатиш, молиявий баркарорлигини таъминлашда энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатчи ҳисобланади.

Утган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, аудиторлик хизмати бўйича қабул қилинган амалдаги Қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳаётга жўра секин татбиқ қилинмапти. Бизнингча, бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: — биринчидан, Республика Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг 5-банди билан давлат

зилганлигидан бу аудиторлар ўзларининг аввалги одатига кўра ишни миждозга «камчиликларингизни юқори ташкилотларга ва суриштирув идораларига маълум қиламан» дейиш билан бошлайдилар ва шу зайдла тугатадилар. Бундай ёндошувдан чўчиган қорхона раҳбари ва ҳисобчиси кўпчилик ҳолларда аудиторларнинг кўнгилга қараб муо-

зоқроқ юриш туйғусини шакллантирмоқда. Ўз-ўзидан тушунарлики, тизимларга «хизмат» қилувчи аудиторлик фирмаларининг ўтказган текширув ва берган хулосасини яхши наф келтирмаяпти. — Иккинчидан, кўпчилик қорхона, ташкилот раҳбарларининг ҳозиргача аудиторлик хизматининг моҳиятига тушуниб етмаётганлик-

АУДИТОРЛИК

кўп йиллаб ишлаб келган му-мала қилади ва яна аввалгидек, улардан қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ қутилиш йўлларини ахтаради. Тизимлар қорхоналари ва аудиторлик хизматининг бундай ўзаро муносабати, албатта тадбиркорлик йўли билан ташкил бўлган қорхоналар раҳбарларида бу хизматга нисбатан фақат салбий тасаввурга эга бўлиш ва иложи бўлса, ундан

лари, ундан етарли ёхуд умуман фойдаланмаётганликларидан идоралар наст иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиб ёки инқирозга учираётганлиғи ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига Сурхондарё вилоятининг аксарият туман давлат солиқ инспекциялари барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик хизматидан фойдала-

Бор бўл, оқибат!

# ЎЛГИЗ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИ ЎЙЛАБ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан Президентимиз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга катта аҳамият бериб келмоқда. Бунга мисол сифатида иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисидаги қатор фармонларни келтириш мумкин.

Ҳўш, янги ишлаб чиқилган ва юқорида номи тилга олинган ҳукумат қарорининг моҳияти нималардан иборат ҳамда бу қарорнинг ижроси юзасидан Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ҳукуматимиз мазкур қарорининг асосий моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш-тарзига, уй-жойи, маданий-маиший аҳволини янада яхшилашга хизмат қилади ҳамда бундай савобли ишларни амалга оширишга барча идоралар, корхона, ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, ишбилармон ва тадбиркорларнинг маблағларини жалб этишни кўзда тутди.

Ёлғиз кексалар, нафақадор ва ногиронларни 2000-2005 йилларда ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида ҳукуматнинг 1999 йил 7 декабрда 520-Қарори қабул қилинди. Унга жавобан 1999 йил 24 декабрда Наманган вилоят ҳокимлигининг 334 қарори чиқди. Шундан сўнгра шаҳар ва туман ҳокимликлари «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш»га қаратилган дастурларини ишлаб чиқдилар. Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида тегишли идоралар, жамғармаларда режали тадбирлар белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нафақат корхона, ташкилот, хўжаликлар, балки вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг уринбосарлари ва бошқа раҳбарлар шахсан ҳимой этиб тайинланди. Уларнинг рўйхати тузилиб китобча шаклида чоп этилди. Вилоят бўйича аниқлаб рўйхатга олинган ёлғиз кексалар ва ногиронлар сони бугунги кунда 5266 нафарни ташкил этади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тақдим этилган рўйхат асосида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизими ҳамда тиббий меҳнат экспертиза хайъати ходимлари биргаликда жорий йилнинг март — апрел ойларида рўйхатга олинганларни тўлиқ медицина кўригидан ўтказдилар. Ушбу тиббий тадбир натижаларига кўра 5266 нафар якка-ёлғизлардан 2324 нафари ўзгалар ёрдамига муҳтож деб топилди. Шундан 810 нафари касалхоналарда, 2300 нафари уйда, 1027 нафари сиҳатгоҳларда даволаниши, 168 нафари ногиронлар аравасига, 1199 нафари протез ва ортопедия буюмла-

рига, 397 нафари эшитиш аппарати-га, 1122 нафари махсус кўзойнаклар-га муҳтож экани аниқланди.

Бундан ташқари, иқтисодий жиҳатдан ўта ночор бўлган, кам таъминланган ёлғиз кекса ва ногиронлардан 99 нафари яхши оилалар ҳомийлигига бириктириб қўйилди.

Ҳомийларнинг маблағини зарур мақсадларга тўғри жалб этиш бўйича ишлар амалга ошириляпти. Шаҳар, туман ижтимоий таъминот бўлимларида хайрия ҳисоб рақамлари очилди. Шу йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида ҳомий раҳбарлар, ташкилот, корхона ва хўжаликлар ҳамда саховатпеша инсонлар томонидан 82274 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Унинг 72431 минг сўмлиги 520-Қарор асосида рўйхатга олинган кишиларга етказилди.

Шунингдек, уларни дори-дармон ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжлари аниқланди. Рўйхат ногиронлар жамяти вилоят бўлимига тақдим этилди. 2000 йилнинг олти ойида 4803,4 минг сўмлик дори-дармон тарқатилди. Шундан 734,4 минг сўмлиги ҳомийлар ҳиссасидир.

Сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар ҳам берилмоқда. Ярим йилда вилоятимиз сиҳатгоҳларига 14 та, маҳаллий бюджет маблағларидан 37 та, Семашко номидаги санаторийга 7 та, ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли «Олтиариқ» ва «Товоқсой» шаффо масканларга 40 та йўлланма ажратилди.

Шундай инсонларнинг уй-жойга таъминоти қондириш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари хузурида комиссиялар тузилган. Комиссиялар хулосасига кўра ҳисобот даврида 76 нафар ногирон уйи ҳомийлар томонидан таъмирланди. Бунинг учун 3815,9 минг сўм маблағ сарфланди.

Поп тумани «Муруват» Наманган шаҳар «Нуроний», «Саховат» уйлари ҳамда вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказини жорий таъмирлаш учун 1300 минг сўм маблағ молиялаштирилди.

Вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида уларни иш билан таъминлаш мақсадида дори-дармон, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, ташхис қўйиш, пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли «Реабилитолог-сервис» кичик корхонаси ташкил этилди ва 10 нафар ногирон ишли бўлди. Умуман, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, муассаса ва жамоат ташкилотлари ёлғиз кексалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

**М.АБДУЛЛАЕВ,**  
Наманган вилоят ҳокимлиги  
ижтимоий таъминот бошқармаси  
бошлиғи, иқтисод фанлари  
номзоди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Буни ҳисобга олган Тўртқўл тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, ўқувчилар тизимга қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига жалб қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида уларнинг спортга бўлган қизиқишини орттирмоқда.

**Суратда:** спорт мактаби мураббийси А. Петров болалар билан машғулот пайтида.



## Газетхон илтимосига кўра

**«Тадбиркорбанк» Ақциядорлик тижорат банкининг бош мақсади юртимизда ишбилармонлар фаолиятини ривожлантиришдан иборат.**  
— **Олдимизга қўйилган вазифаларнинг муҳимлигини аниқлаган ҳолда жорий йилда банк капитални 1,3 миллиард сўмгача оширишни кўзда тутганимиз, — дейди бошқарув раисининг биринчи ўринбосари А.Валиев. — Бунда асосий эътибор аҳолининг жамғарма пул маблағларини жалб қилишга қаратилган. Масалан, жорий йилда пулни омонат сақлаш тури яна биттага қўйилди. 1 мартдан бошлаб янги омонатнинг «Соғлом авлод» тури 3 йил муддатга йиллик 35 фоиз миқдорда тўлов берилиши шарти билан қабул қилинди. Бу эса банк омонат қолдиқларини 3,5 бараварга ошириш имкониятини яратди.**

ажратиш йўлга қўйилди. Шунингдек, миқозларга қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш хизмати кўрсатиш, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, учинчи шахслар учун кафолат ва мажбуриятлар бериш, факторинг ва лизинг операцияларини амалга ошириш ва бир қатор бошқа хизматлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари миқозларга хизмат кўрсатишда қўлайлик яратиш учун жойларда мини-

лан, банкда яққа тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига, юридик шахс мақоimini олиб фаолият кўрсатаётган фермерлар ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли равишда 12 фоизгача бўлган миқдорда микрокредитлар берилмоқда.

Мижознинг тўлаи олиш қобилияти, келажоги умидли ва ҳаётий лойиҳа мавжудлиги, келгусида қарзни вақтида қайтариш учун етарлича фойда ола билиш қобилияти беришнинг асосий шарти ҳисобланади. Берилаётган кредитларнинг самарадорлигини таъминлаш, уларнинг мақсадида ишлатилиши ва қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати устидан қатъий назорат ва доимий мониторинг олиб бориш банкнинг асосий вазифаларидан биридир. Лекин шунга қарамай банкнинг бошланғич давридаги кредитни ўз муддатида қайтара олмаётган миқозлар ҳам бор.

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИККА ЭРИШАЙЛИК

Ўзбекистон Енгил ва мебел саноати, коммунал маиший хизмат ходимлари касасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан Тошкент шаҳар «Сувсоз» трестида семинар-кенгаш ташкил этилди. Ҳуқуқий саводхонлик мавзусига бағишланган семинарда шаҳардаги ушбу тизимга қарашли барча корхона ва ташкилотларнинг касасаба уюшма қўмиталари раислари, ҳуқуқ нозирлари, кадрлар бўлими бошлиқлари ва техника хавфсизлигига масъул шахслар иштирок этдилар.

— Соҳага алоқадор ҳар бир масъул ва мутасаддилар аввало ўзлари меҳнат қонунчилиги талабларини тўла билишлари лозим, — деди ҳуқуқшунос Абдурашид Муталов. — Чунки, инсон тақдирини, унинг иш билан тўғри таъминлаши ва ҳуқуқлари ҳимояси адолатли ҳал этилмоғи лозим. Хусусан, ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, уларга нисбатан зарур ҳолатларда турли чора-тадбирлар кўриш меҳнат қонунчилигига асосланган ва ички меҳнат тартиб-қоидаларида ўз аксини топган бўлиши даркор. Айниқса, аёллар меҳнатини ташкил этиш, уларга меҳнат таътиллари ажратишда имтиёзлар, етарли шарт-шароитга эга, техник жиҳатдан хавфсиз иш жойлари яратиш бериш корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда касасаба уюшма қўмитасининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Шунингдек, вояга етмаган ишчи-хизматчиларни ишга қабул қилишда қисқартирилган иш кунини ва бошқа имтиёзлар билан таъминлаш лозим.

Айрим жойларда аризаларнинг тўғри тўлдирилмаслиги, меҳнатда ҳаёт ҳал қилган ҳодимга тегишли тўлов ва имтиёзлар тўла амалга оширилмаслиги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мавжуд меҳнат қонунларини ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб, ишларини тўғри ташкил этсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Қизгин мунозаралар билан ўтган семинар-кенгаш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Муҳаббат ДАВРОН,**  
«Ишонч» мухбири.

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ФОНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил январада бағишланган мажлисда тижорат банкларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид фаолияти танқид қилинган эди. Ана шу танқиддан тўғри хулоса чиқариб банкимиз кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилаётган кредит маблағларининг ҳажминини ошириб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур кўрсаткич 4330 миллион сўмни ташкил этди. Яъни кичик ва ўрта бизнес субъектларига 2179,8 миллион сўм, деҳқон ва фермер хўжаликларига 1472,5 миллион сўм, давлат корхоналарига 460,2 миллион сўм маблағ ажратилди.

субъектларига берилган микрокредит 415,2 миллион сўмга етди. Шундан 265,7 миллион сўм яққа тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар улугига тўғри келди.

Мижозлар билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Тадбиркорбанк»да экспорт кредит қўмитаси, вилоят, туман бўлимларида эса кредит комиссиялари тузилган. Комиссиялар жойларда кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, берилган қарзларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, шу жумладан, миқозлар ўз сармоясини қўйишдан олаётган даромадлари ортишини таъминлаш билан шугулланган.

банклар ташкил этилмоқда. Масалан, ҳозирги кунда Булоқбоши, Хўжаобод, Марҳамат, Жума, Мирзақўл, Пахтаободда тадбиркорлар шундай банклар хизматидан фойдаланаётганлар.

— Банкимизнинг асосий вазифаси кичик ва ўрта бизнесни имтиёзли ресурслар билан таъминлашга қаратилган, — сўзида давом этди А.Валиев. — Шундан келиб чиққан ҳолда, банкимиз кредитларини расмийлаштиришда имтиёзлар ва фойз сийсати ишлаб чиқилди. Жумладан, фойз ставкалари тақдим қилинаётган лойиҳаларнинг йўналишлари (соҳалар) бўйича белгиланади. Улар ўзини қоплаш муддатларига қараб имтиёзли даврлар белгиланади:

Бу йил бошқарув қарори билан махсус имтиёзли кредит фонди ташкил этилди. Фонд ҳисобига йилнинг ҳар чорагида фойданинг 25 фоизи миқдорда ажратма ўтказилади. Банкимиз имтиёзли кредит фонди миқдори 1 июлгача 28,8 миллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга банкимиз ўз маблағлари ҳисобидан 581 та ўрта ва кичик бизнес

Янгиликларни жорий этишда бу ерда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни чоғда банк ўз миқозларига янги хизмат турларини тақдим этмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисоб варақаларини очиб ва юриштиш, хусусий тадбиркорлик ҳамда кичик бизнесга ўз ва бюджетдан ташқари фонд маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредит

Дехқон, фермер хўжаликларига берилаётган кредитлар 12-14 фоиздан, Аҳолига, маиший хизмат кўрсатиш соҳасига 15-20 фоиздан, Тадбиркорлар фаолиятини айланма маблағлар билан тўлдириш мақсадида кредитлар фойз ставкалари қайта молиялаш ставкаси миқоридан белгиланади. Маса-

бузилишларини бартараф этиш шарт ва амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга ҳалақит беришга ҳақли эмаслиги, 13-моддасида эса, аудиторлик хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаш зарурлиги белгиланган.

Аудиторлик ташкилотлари «аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлиги бузилиши» фактларини ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тақлифларни акс эттириши, хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказишга қўлайлик яққол тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда корхона раҳбарига маълум қилиши ва аудиторлик ҳисоботида тегишли қайдни киритиши шарт эканлиги (7-модда) ва Қонуннинг 18-моддасида «Аудиторлик ҳисоботида

## Халқаро кўрғазма

### САМАРҚАНД КУЛОЛЛАРИ ГОЛЛАНДИЯДА

«Мерос» халқаро ҳунармандлар ассоциациясининг Самарқанд бўлими вакиллари халқ амалий санъати бўйича Голландияда ўтказилган халқаро кўрғазмада муваффақиятли иштирок этдилар.

Цвальмен шаҳрида ташкил этилган нуфузли кўрғазма «Санъат байрами» шiori остида уюштирилган эди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига «Мерос» халқаро ҳунармандлар ассоциацияси раиси Зариф Мухторов. —

Унда дунёнинг 16 мамлакатидан келган усталар ўзларининг қуллолчилик буюмларини намойиш этишди. Бизнинг усталаримиз бундай катта кўрғазмада илҳом қўлиб қатнашдилар. Шуниси диққатга сазоворки, самарқандлик қуллолларнинг ижобий ишлари ўзининг ранг-баранглиги ва жиқли билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам бизнинг буюмларимизга қизиқиш катта бўлди. Мақсадиимиз Голландия кўрғазмаси орқали ўз буюмларимиз билан халқаро

нишга жалб қилувчи бош идора эканлигини унутиб қўймоқдалар. Масалан, вилоят давлат Солиқ бошқармасидан фирмага тушган маълумотга қараганда 1998 йилнинг ҳисоботи мавжуд 9774 корхонанинг атиги 3529 таси (36,1 фоизи)да аудиторлик хулосаси билан қабул қилинганлиги ҳам бу хизматга бўлган

берадиган аудиторлик ташкилотларини ўзлари қидириб топилари керак.

Ҳукуматимиз халқ хўжалигида аудиторлик хизматидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги сабабларини ўрганиб чиқиб, масалани Республика Олий Мажлисининг иккинчи қақриқ иккинчи сессияси муҳокамасига қўйди. Янги таҳрирда ва анча мукамал «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ундаги асосий ўзгаришлар

текширувининг буюртмаси аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга» дейилган. АНКРОҒИ, бу билан маълум тизим учун ташкил қилинган ёки фақат унга хизмат қилиб келаётган аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига чек қўйилди.

Юқорида эслатганимиздек, солиқ идоралари корхоналардан аудиторлик хулосасини қўйишга йиллик ҳисоботни молиявий натижа ва йиллик баланси қараб тузилган аудиторлик хулосаси билан қабул қилинган. Бу эса, ҳеч қачон ташкилот бухгалтерия ҳисоб-китобининг юриштиришга, умуман молия-хўжалик фаолиятига ҳақийқат ва ўлик баҳо бера олмайди. Қонуннинг 19-моддасида «Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади» деб масалани кескин тарзда қўйиш ҳам бежиз эмас, албатта. Шу талабдан ке-

либ чиққан ҳолда солиқ идоралари ҳам мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2001 йил режасининг сифатли тузилишини таъминлашлари, бунинг учун эса, ўз худудларидаги ҳар бир корхонанинг шу йилнинг иккинчи ярмида, албатта аудиторлик текширувидан ўтишини таъминлаш учун ҳозирданок қатъий чоралар белгилашлари лозим бўлади.

Қонунда аудиторлик текшируви давомида буюртмачига ҳам, аудиторлик ташкилотига (аудитор)га ҳам катта масъулият ва жавобгарликлар юклатилган.

— Хўжалик юритувчи субъект Қонуннинг 12-моддаси билан текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шартитни яратиш бериши, зарур ҳужжатларни тақдим этиши, аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юриштириш, молиявий ҳисобот тузиш қоидалари ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш тартиби

аниқланган четга чиқишлар ва қондабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек, хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва тақлифлар мавжуд бўлиши керак»лиги кўрсатилган.

Қисқаси, янги таҳрирда қабул қилинган ва шу йилнинг 1 сентябидан амалга киритиладиган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун, энг аввало ва фақат ҳар бир корхонанинг иқтисодини яхшилаш орқали халқимизнинг фаровон турмушга эришишини таъминловчи Қонундир. Шу сабабли унинг бажарилишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Хуррам НОРҚОБИЛОВ,**  
Термиз шаҳридаги  
Ал-Ҳаким ат-Термизий номли  
мустақил аудиторлик  
фирмаси раҳбари.

турмуши гарови эканлигини яхши тушуниши ҳамда жамоасининг иқтисодий аҳволини яхшилаш йўлини излаб топилгани асосий мақсад қилиб олиши лозим, деб ўйлаймиз. Бунинг учун эса, ўзлари раҳбар бўлган идоранинг ҳисоб-китоб ишларидаги паллартиштирилган тузатишга ва унинг молиявий ҳолатини кўтаришга ёрдам

нималардан иборат?

Қонуннинг 5-моддасида «Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир. Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас», 13-моддасида эса, «Аудиторлик

# ХИЗМАТИ

# ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

**Гар етар агёрдин юз минг жароҳат, эй кўнгул,**  
**Чунки эрур ёр учун бор айшу роҳат, эй кўнгул.**  
**Каъба истарсен муғилон чекса тил қайгурмағил,**  
**Бемаломат топмади ҳеч ким саломат, эй кўнгул.**  
**Менмену ул ой ғами сен ҳам агар мардонасен,**  
**Дарду ғам чек, истама кому фароғат, эй кўнгул.**  
**Кимга етгай васл иқболи, агар ҳижрон аро,**  
**Сенда бўлса ғам чекарга сабуру тоқат, эй кўнгул.**  
**Хурдайи розингни асра гунча янглиғ қон ютуб,**  
**Ҳар неча қилса жафо ул сарвоқат, эй кўнгул.**  
**Дема ишқи сўзи кам бўлғай бошимга урса тийғ,**  
**Ким бу сувдин соқин ўлмас ул ҳарорат, эй кўнгул.**  
**Ўртадин охир Навойини шарори оҳ ила,**  
**Анга невчун мунча кўргуздин шарорат, эй кўнгул?**

Тизими асосида юзага келган ва табиий равишда жабру ситам ошиқ кўнгилга қаратилган. Бу уринда кўнгили ошиқ тимсолини ифода этиб келган дейиш мумкин. Чунки, ёр учун ошиқ ҳар нарсага, ҳар қандай мусибатга, қийинчиликка тайёр. У ҳатто ғайр — бегоналардан етган «юз минг жароҳат» ҳам чидайди. Чунки бундан ёрга «айшу роҳат» етади. Ёрнинг фароғати эса ошиқ учун ҳузур. Бу фикрлар кейинги байтларда янада ривожлантирилади:

**Каъба истарсен муғилон чекса тил қайгурмағил,**  
**Бемаломат топмади ҳеч ким саломат, эй кўнгул.**

**«ГАР ЕТАР АГЁРДИН ЮЗ МИНГ ЖАРОҲАТ...»**  
**(Бир ғазал шарҳи)**



Алишер Навойини англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

мат топмади ҳеч ким саломат, эй кўнгул» дейилмоқда? Тасаввуф луғатларида, маломат — айблан, ёмонлаш, қоралаш. Айбланларнинг айбларидан келмасдан тўғри йўлга юрмоқдир, деб изоҳланган. Маломатийларнинг асосий хусусиятларидан бири эса элнинг ғалп-сўзини унутмак бўлган. Улар элга яхшилик қилиши натижасида элдан маломат эшитиб, яна ўз ишини давом эттириб, камолотга эришганлар. Шунга кўра байтда кўнгилга «муғилон чекса тил қайгурмағил» дейилмоқда, чунки ҳақиқий саломатликка шу тарафда эришилади.

**Менмену ул ой ғами сен ҳам агар мардонасен,**  
**Дарду ғам чек, истама кому фароғат, эй кўнгул.**  
 Яъни, «эй кўнгул, менда ул ой ғами. Агар сен ҳам мард бўлсанг, фароғатни истамай, дарду ғам чек», дейди шоир. Бу дард — ишқ дарди. Ишқ кўнгилини поклаб, нурга тўлдирар экан, дарду ғам ҳам кўнгилга ҳузур бахш этади. Дард бор экан, кўнгили оловлан деб яшнайверади. У қанча нурга тўлса, инсон шунча маънавий қувват ва покизаликка эришади. Қалб ширин азоблар исканжасида қайтадан тирилади.

Дард огригини туйган одам эса ҳеч қачон бировнинг кўнгилига озор етказмайди. Шунинг учун ҳам Юнус Эмро шеърларининг бирида:

**Дард керақдир, дард керақдир,**  
**Дард керак, дард керак,**  
**Ким керак дардга берай дармонини,**

— деб ёзган.

Ҳазрат Навоий ҳам «дарду ғам чек» деганда айнан мана шуни назарда тутгандир.

**Кимга етгай васл иқболи, агар ҳижрон аро,**  
**Сенда бўлса ғам чекарга сабуру тоқат, эй кўнгул.**

Инсон кўп ҳолларда сабрни эсдан чиқариб қўяди. Айниқса, ғаму қулфат бошга тушганда. Сабр — имоннинг асосий руқнларидан бири. Одамзоднинг ҳар қандай мусибатга ҳам «чиройли сабр» қилиши «Қуръон»ни бир неча ояти қарималарида зикр этилган. Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.)нинг «Балонинг биринчи зарбаси пайтидаги сабрина чин сабрдир» деган ҳадислари ҳам сабрнинг моҳиятини англашда ёрдам беради. Муқаддас китобларда баён этилган ҳукмлардан келиб чиққан ҳолда, шоир бу байтда кўнгилга мурожаат қилиш билан барчага ғаму қулфатда сабуру тоқат қилиши ва мақсадга мушарраф бўлишни уқтирмоқда.

**Хурдайи розингни асра гунча янглиғ қон ютуб,**  
**Ҳар неча қилса жафо ул сарвоқат, эй кўнгул.**

Хурдайи роз — яширин сир. Агар у тилга чиқса, унинг пинҳонлиги қолмайди. Орифлар наздида сир бир мунчоқ каби қийматсиз эмас, сир қимматбахо бир гавҳарга ўхшайди. Эйтибор қилсак, гунча «қон ютуб» турганда юракка ўхшайди. Гунчанинг очилиши — ҳазонга юз буриши, шунга кўра сирнинг ошқор бўлиши ҳам бу ҳолга мос. Шунинг учун ул дилбар «ҳар неча жафо қилса» ҳам у «гунча янглиғ қон ютуб» туришга мажбур. Чунки ҳақиқий ишқ қалб тубида бўлади, унинг тилга чиқиши эса ёлгондан бошқа нарса эмас.

**Дема ишқи сўзи кам бўлғай бошимга урса тийғ,**  
**Ким бу сувдин соқин ўлмас ул ҳарорат, эй кўнгул.**

Ошиқдан ҳамма нарсани сўраш мумкин, фақат ишқни тарқ эт, дейилмаса бас. Ошиқ учун ишқ — жон, томирдаги қон. Буни Мажнун мисолида яққол кўриш мумкин. Мажнунни Лайли ишқини унутсин деган мақсадда Каъба зиёратига олиб борганларида, у бу ишқни зарра кам қилмаслигини худодан муножат айтади:

**Лайли ишқин танимда жон қил,**  
**Лайли шавқин рағимда қон қил,**  
 — дея нола этади.

Ҳа, ҳақиқий ошиқ бир лаҳза бўлсин ишқдан кечмайди. Бошига «тий» урсалар-да, ишқу сўзни кам қилмайди, бильакс баттаркор унда ёмонқни истамайди. Ишқ ҳарорати шунчалик ўтлик, унга ҳеч нарса таъсир этмайди. У жонни ўртагачи қудратга эга. Шунинг учун ғазал сўнгида:

**Ўртадин охир Навойини шарори оҳ ила,**  
**Анга невчун мунча кўргуздин шарорат, эй кўнгул?**

дея хитоб қилинади ва мунча кўргизилган шарорат — ёмонликнинг сабабчиси кўнгили деб топилади. Ҳўш, бу «шарорат» нима? Ёр ёди билан яшаш, ишқу муҳаббатда собит бўлиш, дарду балога сабр кўрсатмак. Шундай экан, кўнгили етказган бу «ёмонлик»лардан ҳеч қонмасдан ва ҳеч кўрқмасдан бемалол яшаса бўлади. Зеро, инсон камолотининг илк қадами ҳам шундан бошланади.

**Насиба БОЗОРОВА,**  
**Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти.**

## Эътироф

тиш маълум қилинган. Курашимизнинг бетакрор жозибаси, бугунги кун ва ўтмишдан дарақ берувчи ранг-баранг суратлар билан безатилган маълумотлар муқаддима-си Ўзбекистон Республикаси

да эса қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Мен 18 июл эрталаб СНД да II Жаҳон чемпионати ҳақидаги кўрсатувни томоша қила туриб жуда ҳайратланган. Агар кураш ривожи шундай да-

вом этаверса, унинг дунё микёсида эришадиган машаеи хексиэ бўлади. Ушбу спортнинг ривожланиши учун энг эзгу тилақларимни билдирган ҳолда сайёрамиздаги ҳар бир инсон кураш билан танишиши лозим деб биламан. Спорт оламида вулкон янглиғ отилиб чиққан ўзбек курашини ўз ҳаётининг бир қисми сифатида ўзлаштириб олмаган инсоннинг ҳаётини энг улкан бойликдан маҳрумдек тасаввур қиламан».

«Туркистон-пресс».

каси Президенти Исло Каримовнинг табрик сўзлари билан бошланади. Келгуси ҳафтада Японияда болалар ўртасида мамлакат чемпионати ўтказилиши ва унда бир минг икки юзга яқин ёшлар иштирок этиши қайд қилинган. Мактуб Халқаро Кураш Ассоциацияси Фахрий Президенти Исло Каримовга омад ва соғлиқ тилаш билан ўз ниҳоясига этади.

Африка Кураш Конфедерацияси ҳамда Жанубий Америка Кураш Федерацияси Президенти Андре Френчнинг қалб сўзлари битилган нома-

вом этаверса, унинг дунё микёсида эришадиган машаеи хексиэ бўлади. Ушбу спортнинг ривожланиши учун энг эзгу тилақларимни билдирган ҳолда сайёрамиздаги ҳар бир инсон кураш билан танишиши лозим деб биламан. Спорт оламида вулкон янглиғ отилиб чиққан ўзбек курашини ўз ҳаётининг бир қисми сифатида ўзлаштириб олмаган инсоннинг ҳаётини энг улкан бойликдан маҳрумдек тасаввур қиламан».

«Туркистон-пресс».

(Давоми. Боши ўтган сонда) Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий - психологик таълимотидаги ранглар ва маънолар кейинги вақтларда тасаввуф назарий-чилири таърифлаган рангларнинг шарҳидан тубдан фарқ қилади. У етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтирган. Унингча, оқ ранг - исломни, сариқ ранг - иймонни, зангори ранг - эҳсонни, яшил ранг - итминонни (ишончни), қўқ ранг - иқонни (тўлиқ ишонч), қизил ранг - ирфонни, қора ранг - ҳаяжонни (хайратни) англайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Нажмиддин Кубронинг ранг ҳақидаги бу янгиликларини Европа олимлари Кафа, Шопенгауэр, Фрейд XIX асрадагина рангнинг киши руҳига таъсири борлигини, ранглар шунчаки ранг эмаслигини, балки инсон тафаккури орқали кўринадиган нарса ва айни пайтда, ранглар инсон тафаккурига таъсир қилиши мумкинли-

гини кашф этдилар. Устознинг қомил инсонни тарбиялаш тўғрисидаги тасаввуфий ғоялари ва психологик таълимоти унинг истёвдодли шогирдлари шайх Мажиддин Бағдодий, шайх Саъдийдин Ҳамавий, шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх

ва элатлар орасига ёйдилар. Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий тарихидаги яна бир хизматлари - жавонмардлик ғояларини жорий этиш бўлди. Унинг тасаввуф таълимотида мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маъри-

ул паст бўлғай, Илкинг узатиб, сен йиқилгани кўтар, Нест бўлган ўшал тан ва кўнгили ҳаст бўлғай. Ҳақиқатдан ҳам Кубровия тариқати мактабининг тарбиясини олган Хоразм жавонмардлари хуш хислат, улуг фазилат ва юксак маърифат эгаси бўлиб етишдилар. Хоразмга мўғуллар босқинидан кейин келган араб сайёҳи ибн Батутта «Сафарнома» китобида жавонмардликни қайд этади ва жавонмардларнинг меҳмондорчилиги, қаҳрамонлиги, мардлиги ва ниҳоятда юксак баҳо беради: «Мен дунёни кезиб, бундай мардлардан кўра эзгу ниътига ва эзгу ҳуқуққа эга кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфохон аҳлиси гачи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо Хоразм ва Мовароуннахр жавонмардлари мусофирларни сийлаш ва меҳмондорчиликда улардан банд тудиралар...»

## Туронзамин даргалари НАЖМИДДИН КУБРО

Айнуззамон Жамолиддин Гейли, шайх Бебо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Розий Доя, шайх Розиддин Али Лоло, шайх Жамолиддин Аҳмад Журжонийлар томонидан Эрон, Афғонистон, Миср, Ироқ, Ҳиндистонда давом эттирилб, донишмандлик, исломий ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғояларини турли миллат

фат ва жисмоний - руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари қўшилб ифодоланди. Унинг рубоийларидан бирида қомил инсонни жавонмардлик руҳида тарбиялаш ғояси ўз ифодасини топган: Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлғай, Ҳам ҳажру фироқинг ила

Солижон ҲАСАНОВ.

## МАФТУНКОР ТАБИАТ



## СУРАЙЁ - ЧЕМПИОН

Тошкент шаҳрида 1985-86 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзюдо кураши бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Унда қатнашган Пахтакор тўман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Сурайё Мусаева барча тенгқурлар орасида энг кучли спортчи эканлигини исботлади. У мусобақанинг сўнги босқичида ғолибликни қўлга киритди.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Германиядаги қатор университетлар Ўзбекистондаги олий ўқув юртли билан яқин илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг Германиядаги Баухауз университетини билан алоқалари ҳам яхши натижалар бермоқда. Ана шу ўқув юртли ҳамкорлиги туфайли йирик монография ва қурилишга доир немисча-ўзбекча-русча луғат босмага тайёрланди. Тошкент архитектура ва қурилиш институтида янги очилаётган илмий лабораторияларни замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда ҳам немис университети ёрдам беради. Бунинг учун бу олий ўқув юрти 32 минг дойч марка ажратди. Яқинда ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида навбатдаги ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Узаро келишувга кўра Шаҳрисабздаги «Кўксарой» ёдгорлик мажмуасини таъмирлаш билан боғлиқ илмий кузатишлар бошлаб юборилди. Айни вақтда институт ўқитувчиларининг Германияга хизмат сафарлари уюштирилмоқда.

## МАҲАЛЛИЙ ТЕСТ МАРКАЗЛАРИ

Ўқувчи ёшларда мактабларнинг ўзидаёқ олий ўқув юртли учун тест синовларини топширишни машқ қилиш кўникмасини ўстириш мақсадида қўрилаётган тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Бунинг асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази жойларда маҳаллий тест марказларини очишга киришди. Ҳозир Тошкент шаҳрида, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бундай марказлар ишлаб турибди. Давлат тест маркази ёрдами билан улардаги компьютер техникаларига махсус дастурлар ўрнатилди. Жойларда олинган ўқувчилар жавоблари Давлат тест марказига юборилган, тўпланган балл миқдорлари аниқланиб яна жойларга юборилади. Шу тариқа ўқувчилар эгаллаган билимлари қай даражада эканлиги аниқланади. Машқ кўникмасини ўстиришга ёрдам берадиган бу тажриба тақомиллашга, жойларнинг ўзида ўқувчиларга сертификат бериш ҳам йўлга қўйилади.

Акбар АЛИЕВ.

## ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАБ

Қўрғонтепа тумани марказидаги Т.Содиқов номи маҳалла посбонлари гуруҳининг сардори Одилжон Маматкулов диний экстремистик руҳдаги варақалар тарқатиб юривчи ғаламис шахснинг далилий ашёлар билан ушлаб, милиция ходимлари қўлга топширгани учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг пул мукофоти ва раҳматномаси билан тақдирланди.

Ҳозирга келиб, вилоят шаҳар ва туманларида 864 маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири қошида 5-10 кишидан иборат маҳалла посбонлари гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг умумий сони 4320 нафарни ташкил этмоқда. Посбонлар ёшлар ўртасида катта обрўга эга бўлган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, спорт билан доимий равишда шуғулланиб келаётган, кўпчилик билан тил топиша оладиган, дунёқараши замонага мос келаётган йигитлардан иборатдир.

Маҳалла посбонлари фуқаролар кенгашлири фаоллари, милиция участка нозирлари билан ҳамкорликда ҳамюртлар осойишталигини, уларнинг мол-мулкларини дахлсизлигини, ўсиб келаётган ёшлар вақиллари орасида тартиббузарликлар олдини олиш мақсадида астойдил ишламоқдалар.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси Андижон вилояти таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш.Йўлдошевга волидаи мухтарамаси **ЎГИЛЖОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси меҳнат-ҳуқуқ бosh нозир Карим Мухторовга падари бузрукворни **МУХТОР ОТА САИДОВ**нинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## «МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ»

Жиззах вилоятининг тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида шу мавзуда ногирон болалар ўртасида кўриктанлов бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларининг ғолиблари иштирок этиб, ўз иқтидорларини яна бир бор намойиш қилдилар. Она Ватани, табиати тараннум этувчи ажойиб суратлари билан муҳлисларда чуқур таассурот қолдирган арнасолийк Шаҳноза Бекмуродова танлов ғолиби деб топилди. Зоминлик Дилшоджон Ботиров ва ғалладорлик Сарваржон Эгамбердиевга иккинчи ва учинчи ўринлар nasib этди. Шунингдек, олти нафар иштирокчига рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.

**XXI аср спорти номини олган миллий кураш бўйича иккинчи жаҳон чемпионати поёнига етган бўлса-да, нафақат юртимиз, балки жаҳон ура унинг шуккуҳида мафтун қалблар ларзага келаяпти.** Айни кунларда Халқаро Кураш Ассоциациясига ҳоржлик кураш фидоийларининг ана шундай тилақлари битилган ҳисобсиз мактублар келаяпти.

## МИЛЛИЙ КУРАШ — XXI АСР СПОРТИ

Жумладан, Япония Кураш Федерацияси бош котиби Хидео Камага ўз эҳтиросини қуйидагича изҳор этади: «Чемпионатнинг илк марта Ўзбекистондан бошқа давлатда ўтказилгани оламшумул воқеа бўлди. Бу воқеа рўёбга чиққунча кўп меҳнат қилинганга аминман. Фурсатдан фойдаланиб, мусобақаларни ўтказиш, полвонлар ва расмилар учун хизмат қилган чемпионат ташкилотчиларига чуқур миннатдорчилик билдираман. Халқаро Кураш Ассоциацияси

билан 1998 йилдан буён мунтазам алоқада эканлигини маъно билан эътироф этган ҳолда, ўзбек кураши ҳам дзюдо каби миллионларнинг севимли спортга айланиб, тез орада, Олимпиада ўйинлари сафидан муносиб жой олган кезларда қувончингизга шерик бўлиш мен учун шарафлидир». Шунингдек, мактубда дунё ҳафқлари қатори япон халқига ҳам кураш олами билан яқиндан ошно бўлиш имкониятини яратиш мақсадида ўзбек курашининг интернетдаги манзилни кири-

тиш маълум қилинган. Курашимизнинг бетакрор жозибаси, бугунги кун ва ўтмишдан дарақ берувчи ранг-баранг суратлар билан безатилган маълумотлар муқаддима-си Ўзбекистон Республикаси

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
 Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**  
 Таҳрир хайъати:  
**Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Оstonов, М.Расулов, Э.Ўқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Котибият 56-52-78,  
 136-58-45; Хатлар бўлими  
 56-85-43; Реклама,  
 эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан  
 чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2 Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Согулда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00